

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

МЕЛИЕВ ХУДОЁР ХУРРАМОВИЧ

**КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЧИЛИК ВА УНГА ҚАРШИ
КУРАШИШНИНГ КРИМИНОЛОГИК ЧОРАЛАРИ**

12.00.15 — Криминология (юримдик фанлар)

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Мелиев Худоёр Хуррамович
Коррупциявий жиноятчилик ва унга қарши курашнинг кримнологик
чоралари.....

Мелиев Худоёр Хуррамович
Коррупционная преступность и кримнологические меры борьбы с ней

Meliev Khudoyor Khurramovich
Corruption criminalty and criminological measures against it.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published scientific works.....

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Уу599 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдурасулова Қумринисо Раимқуловна
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қаландаров Мақсуд Махмудович
юридик фанлар доктори, доцент

Хасанов Темур Холмаматович
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.31/31.12.2020.уу.67.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил 14 ноябрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9 уй. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 202-04-96, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (45-сонли рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9 уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48)

Диссертация автореферати 2024 йил 01 ноябрь куни тарқатилди.

(2024 йил 01 ноябрь 11-рақамли реестр баённомаси).

Б.Х.Пулатов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

М.Р.Анорбоев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ф.Х.Рахимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё ҳамжамияти томонидан коррупциянинг иқтисодий, ижтимоий, бозор муносабатларига, демократик институтларнинг ҳамда жамиятнинг барча соҳаларига шаклланишига тўсқинлик қилувчи омил сифатида баҳоланади. Бугунги кунда коррупцияга оид жиноятлар оқибатида давлат, жамият ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига етказилаётган зарар миқдорининг тобора ошиб бориши ушбу иллатга қарши курашиш соҳасини янада чуқур таҳлил ва ўрганишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда U.S. News and World Report, BAV Group ва Пенсилвания университетининг Уортон мактаби томонидан ўтказилган таҳлилларига кўра, Россия 2023 йилнинг энг коррупциялашган давлати сифатида танланди. Эрон ва Колумбия иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган¹. “Transparency International” ташкилотининг раиси Франсуа Валерианнинг фикрларига кўра: “Одил судлов тизимлари қонунбузарликларни жазолай олмагунча ва ҳукуматларни назорат остида ушлаб турмагунча коррупция гуллаб-яшнашда давом этади. ... Коррупция учун жазосиз қолишни тугатиш вақти келди”².

Коррупцияга қарши курашиш бўйича илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий, таҳлилий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Rutgers Institute on Anti-Corruption Studies, Harvard, Stanford (АҚШ), Western Australia Business School (Австралия), Hertie School (Германия), Michelsen Institute (СМИ) & Norwegian Institute of International Affairs (Норвегия), Oxford, Overseas Development Institute, Centre for the Study of Corruption University of Sussex (Буюк Британия), Россия Федерацияси Ҳукумати ҳузуридаги Қонунчилик ва қиёсий ҳуқуқшунослик институти, Ички ишлар вазирлигининг Нижегород академияси, Санкт-Петербург давлат университети, “Балтийский федеральный университет имени Иммануила Канта”да олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев коррупция хавф-хатарига муносиб баҳо бериб “Башарият тарихига назар солсак, коррупция илллати ҳатто энг қудратли ва энг кучли давлатларни ҳам жар ёқасига олиб келганига ва тўлиқ пароканда қилганига гувоҳ бўламиз”³ деб таъкидлаган. Ўзбекистонда 2023 йилда мансабдорлик жиноятлари натижасида 1 трлн. 546 млрд. сўм зарар етказилган⁴. Коррупцияни идрок этиш индекси (CPI)⁵ да Ўзбекистон 2023 йилда дунёнинг 180 давлати орасида 121-ўринни эгаллаган. Ушбу ҳолатлар республикада коррупция билан боғлиқ аҳвол жиддийлигича қолаётганлигини кўрсатади. Шу боис, Президент

¹ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

² Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро мукофотни топшириш маросимидаги нутқи. Электрон ресурс. URL: [https://yuz.uz/news/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-korruptsiyaga-qarshi-kurashish-sohasida-yuksak-xalqaro-mukofotni-topshirish-marosimidagi-nutqi] (кўридган. 15.04.2024 й.)

⁴ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

⁵ Uzbekistan. Corruption Perceptions Index. Electronic resource –URL:[https://www.transparency.org/en/cpi/2023/index/uzb.]

хужжати билан мамлакат ривожланишининг бугунги босқичида коррупция Ўзбекистон давлати ва жамияти тараққиёти учун энг жиддий хавф-хатарлардан бири эканлиги қайд этилди⁶.

Ўз навбатида, барча жиноятлар турлари ичида энг юқори латентлик даражаси коррупциявий жиноятларга берилган⁷. Ўтказилган таҳлилларга кўра, коррупциявий жиноятларнинг латентлиги 90 % дан 99% гача баҳоланади⁸.

Юқоридаги ҳолатлар Ўзбекистондаги коррупциявий жиноятчиликни илмий тадқиқ қилиш ишларини кенга қамровли амалга ошириш, унинг сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, салбий оқибатларини олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (янги таҳрир) (2023), “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (2017), Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича (2020), давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш бўйича (2021), коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича (2023) фармонлари, коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича (2021), давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича (2022) қарорларида ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда коррупциявий жиноятчилик ҳамда унга қарши курашишнинг криминологик масалалари назарий жиҳатлари қисман ўрганилган бўлиб, олиб борилган тадқиқот ишлари асосан жиноят ҳуқуқи ва криминология бўйича дарсликларда, газета ва журналлардаги унга оид мақолаларда акс этган. Жумладан, коррупциявий жиноятчиликнинг айрим жиҳатлари Қ.Р. Абдурасулова, Б.Д. Ахроров, Р.А. Зуфаров, Р. Кабулов, Й. Каракетов, О. Қурбонов, У.М. Мирзаев, И.М. Мирзараимов, Ж.А. Неъматов, С.С. Ниёзова, Б.А. Орифжонов, Ю.С. Пулатов, М.Ҳ. Рустамбаев, М. Усмоналиев, С.И. Ҳамроев, Ғ.О. Эрматов, Б. Исмаилов, Е. Коленко, Т. Кенжаев, Ф. Маҳмудов⁹лар томонидан ўрганилган.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “ Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6257-сонли Фармони. Электрон ресурс. URL:[<https://lex.uz/uz/docs/5495529>].

⁷ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

⁸ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

⁹ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Хорижий мамлакатларда коррупциявий жиноятчилик ва унга қарши курашиш чора-тадбирлари кенгроқ ўрганилган бўлиб, қатор олимлар махсус илмий тадқиқотлар олиб борган. Ушбу муаммони кенгроқ ўрганиш ва унга қарши курашиш учун баъзи хорижий ноҳукумат ва нотижорат ташкилотлари қатор лойиҳаларни изчил равишда амалга оширмоқда. Жумладан, Г. Брукс, Р.Н. Гош, Мд. Абу Бакар Сиддики, Й. Занг, С.Ф. Лавена, С.Роуз-Аккерман, В.В.Лунеев, В.В.Сидиров, Н.П.Дубинин, И.И.Карпец, В.Н.Кудрявцев, Г.Н. Борзенков, В.С.Комиссаров, Д.Трейзман, Е.В.Антонюк, Т.Л.Алавидзе, И.А. Кох, К. Байболов, Б.Г. Ильич, Е.О. Алауханов, Д.Е. Турсынбаев, А.К. Есян сингари олимларнинг тадқиқот ишларини кўрсатиш мумкин¹⁰.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва кенгашнинг 2021 йил 31 мартдаги йиғилишида тасдиқланган (Баённома № 5).

Тадқиқотнинг мақсади коррупциявий жиноятчилик тушунчаси, унинг давлат ва жамият ривожланишига, ижтимоий муносабатларга салбий таъсири, сабаблари ва унга имкон берувчи шарт-шароитларни, уни содир этган шахсларнинг криминологик таҳлил қилиш, коррупцияга қарши курашишнинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганиш, ушбу ижтимоий иллатга қарши самарали курашиш учун кенг қамровли тадқиқотни, ҳуқуқий чораларни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари бевосита унинг мақсадини амалга оширишга қаратилган бўлиб, қайд этилган муносабатларда вужудга келадиган ҳуқуқий муаммоларни ечиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш саналади.

Тадқиқот ишида қуйидаги вазифалар қўйилди:

- ижтимоий ҳодиса сифатида коррупция тушунчаси, белгилари ва унинг оқибатларини таҳлил қилиш;
- коррупциянинг ижтимоий хавфлилиги ва унинг учун жавобгарлик белгилашнинг ижтимоий заруратини асослаш;
- коррупциявий жиноятчиликнинг сабаблари ва унга имкон берувчи шарт-шароитларни тадқиқ қилиш;
- коррупциявий жиноятларни содир этган шахсларнинг криминологик тадқиқ қилиш;
- коррупциявий жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг аҳамиятини ўрганиш;
- коррупциявий жиноятчилик профилактикасининг ижтимоий-ташкилий чора-тадбирларини таҳлил қилиш;
- коррупцияга қарши курашишда халқаро ҳамкорлик ва хорижий мамлакатлар тажрибасини тадқиқ қилиш.

¹⁰Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқот объекти коррупциявий жиноятчилик ва унга қарши курашишга оид ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети а) коррупциянинг тушунчаси, унинг ижтимоий ҳодиса сифатида мазмуни, коррупциявий жиноятчининг шахсига оид маълумотлар, коррупциянинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар, коррупциянинг олдини олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари; б) коррупциявий жиноятчилик ҳақидаги тергов ва суд амалиёти; в) коррупцияга оид жиноятчилик статистикаси; г) коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий ва айрим хорижий давлатларнинг тажрибасига оид маълумотлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, анкета сўровлари, дедукция ва индукция, мантиқийлик, маъмурий ва жиноят ишлари, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат органларида очиқлик ва шаффофликни янада таъминлашга қаратилган таклифларнинг қонунчиликка жорий этилиши натижасида жамоатчиликни хабардорлигини ошириш орқали коррупциянинг олдини олишга хизмат қилиш самараси асослантирилган;

давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошларини давлат ҳимоясида бўлиши лозимлиги илмий нуқтаи назардан асослантирилган;

шартномаларнинг коррупцияга, шу жумладан манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда тузилгани сабабли ҳақиқий эмас деб топиш, давлат хизматчилари тадбиркорлик фаолиятида иштирок этганлигининг ҳуқуқий оқибатларини белгилаш асослантирилган;

давлат хизматчилари томонидан коррупцияга йўл қўйган ҳолда ортирилган ноқонуний даромадларни яшириш ҳолатларни олдини олиш мақсадида республика ҳудудидан ташқарида ҳисобрақамлар очиш ва уларга эгалик қилиш, нақд пул маблағларини сақлаш, кўчмас ва бошқа мол-мулкка эга бўлишнинг тақиқланиши зарурлиги асослантирилган;

давлат ташкилотларининг ички ҳужжатларида коррупцияга қарши самарали чоралар белгилаш, барча ходимлар учун тушунарли қоидаларни ўрнатиш муҳимдир. Шу сабабли, Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши сиёсатида курашишнинг асосий принциплари ва ходимлар билан тузиладиган меҳнат шартномалари, шунингдек, адлия органлари томонидан контрагентлар билан боғлиқ шартномаларга киритиладиган коррупцияга қарши қоидаларнинг асосий шартлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Коррупция” тушунчасига илмий-назарияларга асосланган ҳолда бошқа таърифлардан фарқли равишда унинг ғайриқонуний наф қўриш ёки ғараз мақсадларда фойдаланишдан, шунингдек, бундай нафни жисмоний ёки юридик шахслар томонидан қонунга хилоф равишда тақдим этилишидан иборат криминологик тушунча деб, муаллифлик тушунтириши берилди;

коррупциявий жиноятчилик нафақат ижтимоий, балки ижтимоий-руҳий (психологик) ҳодиса эканлиги, бунда коррупцияга қарши умумий қоралаш муҳити барпо этилмаганлиги, коррупцияга қарши курашиштизими пухта ишланмаганлиги, фарқали равишда ушбу иллат маъмурий тартиб-таомиллар, бюрократия билан ўзаро боғлиқ эканлиги назарий жиҳатдан исботланди;

мамлакатимиздаги коррупциявий қилмишларнинг 6 та асосий сабаблари илмий жиҳатдан асослантирилди;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари маълумотларининг очиқлиги презумпциясини жорий этиш, унга мувофиқ, қонунчилик ҳужжатларида чекланмаган ҳар қандай маълумотнинг очиқ маълумот ҳисобланилишини белгилаш нуктаи назардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунини ишлаб чиқиш зарурати асослантирилди;

охирги бенефициар мулкдорлар тўғрисидаги маълумотлар очиқлигининг потенциал коррупция ҳолатларининг олдини олишдаги аҳамияти исботланиб, Ўзбекистон Республикасининг “Охирги бенефициар мулкдорлар ягона давлат реестри тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш зарурати кўрсатилди;

Ўзбекистон Республикасининг “Учинчи шахсларнинг манфаатларини ноқонуний илгари суриш (лоббистик фаолиятни) чеклаш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш илмий-назарий жиҳатдан асослантирилди;

коррупцияга, шу жумладан манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда тузилган шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш, давлат хизматчилари томонидан тадбиркорлик фаолиятида иштирок этганлигининг ҳуқуқий оқибатларини белгилаш зарурлиги бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

давлат томонидан ислоҳотларни амалга оширишда катта йўқотишлар ўрнини қопламаслик ҳолатларига чек қўйиш мақсадида мусодарани жазо чораси сифатида Жиноят кодексига киритиш лозимлиги асослантирилди;

коррупциявий жиноятлар учун жазо тайинлашда узоқ муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишни белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини Жиноят кодексига киритиш лозимлиги исботланди;

жиноят қонунчилигида пора беришни ваъда ва таклиф қилганлик, манфаатлар тўқнашуви учун жиноий жавобгарлик белгилашнинг зарурати асослаб берилди;

давлат хизматчиларига ҳадя беришни чеклашнинг қонуний асослари ишлаб чиқилди;

давлат, нодавлат ташкилотлар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилган шахслар ва уларнинг яқин қариндошларини давлат ҳимоясида бўлишини таъминлаш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида фойдаланилган қонун ҳужжатлари ва адабиётлар расмий манбалардан олинган ҳамда уларга диссертацияда тегишли тартибда ҳавола қилинган. Илмий тадқиқот ишининг якуни бўйича назарий хулосалар ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф, тавсиялар тегишли фанларда мавжуд назарий қарашларни, коррупцияга қарши қонунчилик нормаларини қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган.

Расмий манбалардан олинган статистик маълумотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг 400 нафар ходимлари ўртасида ўтказилган анкета сўров натижалари ва судларнинг 100 га яқин суд ҳукмлари таҳлил қилинган.

Шу билан бирга, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, диссертациянинг дастлабки натижалари амалиётга жорий этилгани ва ваколатли идоралар томонидан белгиланган тартибда тасдиқлангани билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация тадқиқотининг илмий аҳамияти, шакллантирилган таклиф ва тавсиялар жиноят ҳуқуқи ва криминология фанлари назариясини ривожлантиришда муҳим ҳисса қўшиб, коррупциявий жиноятларга доир криминологик қарашларни тизимлаштиришга ёрдам беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, шакллантирилган таклиф ва тавсиялар, шунингдек, ишда берилган хулосалар коррупцияга қарши курашиш фаолиятини такомиллаштиришда ва қонунни қўлловчи органлар фаолиятида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратини таъминлашда давлат органларида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш юзасидан қонун ҳужжатларига таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ–6247-сон “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида¹¹ аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) 12.07.2021 й. 01-05/4984-сон хати). Ушбу таклифлар давлат ташкилотларида очиқлик ва шаффофлик механизмларини кенг татбиқ этиш ва шу орқали жамоатчилик назоратини ошириш орқали коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади;

коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишда давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ваколатларини, коррупцияга доир

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармони [Электрон манба] URL: <https://lex.uz/docs/5459107> (кўрилган сана: 23.02.2023)

хуқуқбузарликлар ҳақида маълумот берувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошларини ҳимоя қилишни қонуний тарзда белгилаш бўйича таклифлар (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хуқуқ масалалари қўмитасининг 15.07.2021й. 06/1-11/3800-сон хати, 25.11.2021й. 06/1-11/6073-сон далолатномаси) коррупцияга қарши курашишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, коррупция ҳақида хабар берувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошларини давлат ҳимоясига олишни кафолатлашга ёрдам беради;

коррупцияга, шу жумладан манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда тузилган шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш, давлат хизматчилари тадбиркорлик фаолиятида иштирок этганлигининг ҳуқуқий оқибатларини белгилаш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 6 июлдаги ПҚ–5177-сон қарорининг 2-бандида акс этгани (Агентликнинг 08.04.2024 й. 5-сон далолатномаси). Ушбу таклифларни қабул қилиш “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунда ҳуқуқий оқибатларни белгилаш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди;

давлат хизматчиларига республика ҳудудидан ташқарида ҳисобрақамлар очиш ва эгалик қилиш, нақд пул маблағларини сақлаш, кўчмас ва бошқа мол-мулкка эга бўлишни тақиқлаш ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ–6257-сонли Фармонининг 4-бандида, охириги бенефициарга оид маълумотларни олиш тартибини такомиллаштириш бўйича таклиф ушбу Фармон билан тасдиқланган давлат дастурининг 22-бандида акс этган(Агентликнинг 08.04.2024 й. 4-сон далолатномаси). Ушбу таклифларни қабул қилиш давлат хизматчиларига ўз ноқонуний даромадларини яшириш имкониятини чеклашга хизмат қилди;

Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши сиёсати тамойиллари ҳақидаги таклифлари адлия вазирининг 24.02.2020й. 42-ум-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг 9-бандида, ходимлар билан тузиладиган меҳнат шартномаларига ва адлия органлари томонидан контрагентлар билан тузиладиган шартномаларга киритиладиган коррупцияга қарши қоидаларнинг мазмуни бўйича асосий шартлар, ушбу буйруқ билан тасдиқланган иловаларда акс этган (Адлия вазирлигининг 11.04.2024й. 3/2-9222/8-сон далолатномаси). Ушбу таклиф Адлия вазирлиги томонидан коррупцияга қарши курашиш фаолиятини тизимли равишда амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та (2 та халқаро, 3 та республика) илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижасида олинган хулоса, таклиф ва илмий-амалий тавсиялар муаллиф томонидан чоп этирилган ва 21 та илмий мақолада ўз аксини топган. Ушбу

мақолаларнинг 10 таси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг рўйхатидаги илмий журналларда ва 2 та халқаро илмий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Коррупция ва коррупциявий жиноятчилик тушунчаси ва унинг учун жавобгарлик белгилашнинг ижтимоий зарурати”** деб номланиб, унда ижтимоий салбий ҳодиса сифатида коррупциянинг келиб чиқиш тарихи, тушунчаси, белгилари ва унинг оқибатлари, коррупциявий жиноятчиликнинг ижтимоий хавфлилиги ва унинг учун жавобгарлик белгилашнинг ижтимоий зарурати, бу борада жиноят қонунчилигини такомиллаштириш каби масалалар таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи коррупция тушунчасини очиб бериш учун Р.А. Зуфаров, Б. Ахраров, А.К. Иркаходжаев, И. Исмоилов, Б. Исмаилов, Е. Коленко, Қ. Тожибоев, А.И. Алексеев, В.В. Астанин, Г.И. Богуш, Г.Н. Борзенков, Б.В. Волженкин, Г.С. Гончаренко, В.С. Комиссаров, Н.Ф. Кузнецова, П.А. Кабанов, В.В. Лунеев, А.И. Долгова, Е.И. Каиржанов, С.В. Максимов, Л.В. Михайлов, Г. Блэк, С. Роуз-Аккерман, П. Мауро, И. Шихата, Р. Клитгаарднинг¹² тадқиқотларини ўрганиб, уларни таҳлил қилган ва улар билан мунозарага киришган.

Ишда коррупция тушунчасининг луғавий, илмий, сиёсий, социологик, криминологик ва юридик маънолари ўрганилган, давлат бошқарувида салбий таъсири очиб берилган.

Коррупциявий жиноятчилик нафақат ижтимоий, балки ижтимоий-руҳий (психологик) ҳодиса эканлиги, коррупция кишиларнинг хатти-ҳаракати, фаолиятдан ташқарида мавжуд бўлмаслиги очиб берилган. Шунингдек, кейинги пайтларда коррупцияга иқтисодий феномен сифатида қараш

¹² Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

кучаяётганлиги хорижлик олимлар (С.Роуз-Аккерман, П.Мауро, И.Шихата)¹³ фикрлари асосида исботлаб берилган.

Муаллиф хорижий илмий адабиётларда коррупция ва маданият ўзаро алоқадорликда ўрганилаётганлиги, мисол учун Р. Клитгаард коррупция маданиятини цинизм ва соғлом фикрнинг йўқлиги билан тавсифланадиган ташкилий маданият сифатида баҳо берганига эътибор қаратган¹⁴.

Миллий ва хорижий олимларнинг фикрлари таҳлил қилиниб, коррупция тушунчасининг кўп қиррали ва мураккаб эканлигига урғу берилган. Коррупцияга берилган таърифлар ўрганилиб, уларни шакли ҳар хил-у, мазмуни бир-бирига яқин бўлган таърифлар эканлиги ва бу таърифлардан коррупциянинг айрим белгилари тўғрисида хулосалар чиқарилган.

Коррупциявий жиноятчиликнинг бошқа жиноятчилик турларидан фарқларидан бири унинг маъмурий тартиб-таомиллар, бюрократия билан ўзаро боғлиқлиги, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи маъмурий инструментлар қанчалик мураккаблаштириш муносабатларнинг коррупциялашишга омил бўлиши асослантирилган.

Коррупциявий жиноятчилик латентлик даражасининг юқорилиги унинг муҳим криминологик хусусиятларидан эканлиги ва ижтимоий сўров натижасида республикада унинг даражаси 70 фоиздан юқорилиги аниқланган.

Таҳлиллар натижасида коррупция тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифи берилган: “Коррупция ижтимоий хавfli ҳодиса бўлиб, шахснинг ўз мансаб мавқеи ва эгаллаб турган лавозими ҳамда у билан боғлиқ бўлган обрўсидан ғайриқонуний наф кўриш ёки ғараз мақсадларда фойдаланиши, шунингдек, бундай нафни жисмоний ёки юридик шахслар томонидан қонунга хилоф равишда тақдим этилишидан иборат криминологик тушунчадир”.

Ишда коррупциянинг кенг ва чуқур илдиз отиши аҳолининг давлат ҳокимиятига нисбатан ишончи сусайишига, оммавий норозилик чиқишларига, давлат аппарати ишини издан чиқишига олиб келиши мумкинлиги асослантириб берилган.

Республикада 2022 йилда 3 116 нафар шахс томонидан мансабдорлик жиноятлари содир этилган. Бунинг натижасида келтирилган зарар миқдори 1 трлн. 12 млрд. сўмни ташкил қилган, бу сумманинг 847 млрд. сўми ёки 83,6 % ундирилган. 2023 йилда эса 3575 нафар шахс бу турдаги жиноятларни содир этган. Келтирилган зарар миқдори 1 трлн. 546 млрд. сўмни ташкил қилган, унинг 1 трлн. 310 млрд. сўми ёки 84,7 % ундирилган¹⁵.

Коррупцияга оид жиноятлар оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 2020 йилда 500 млрд. 102 млн. сўмлик моддий зарар етказилиб, 355 млрд.

¹³ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

¹⁴ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

¹⁵ <https://www.prokuratura.uz/#/newsview?id=9149>

сўм (71 фоиз) ундирилган бўлган¹⁶. 2023 йилда 1,546 триллион сўм миқдорида зарар етказилган бўлиб, дастлабки тергов жараёнида 1,31 триллион сўм (84,7 фоиз) ундирилган¹⁷. Ушбу маълумотларга кўра сўнгги уч йилда етказилган зарар миқдори 3 баравардан кўпга ортган.

Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида”¹⁸ Фармони билан мамлакат ривожланишининг бугунги босқичида коррупция Ўзбекистон давлати ва жамияти тараққиёти учун энг жиддий хавф-хатарлардан бири эканлиги қайд этилганлиги муҳим ҳуқуқий ва амалий аҳамиятга эга эканлиги очиб берилган. Шундан келиб чиқиб, коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши аёвсиз курашиш барча даражадаги давлат органлари раҳбар ва ходимларининг энг устувор вазифаси этиб белгиланганлиги асослантилган.

Коррупциявий жиноятларнинг ижтимоий муносабатларга етказётган зарари, унинг шакл ва кўринишларининг кўпайиб бориши бир қатор қонунчилик соҳаларини, хусусан республикамиз жиноят қонунчилигининг коррупцияга қарши нормаларини такомиллаштиришни тақозо қилаётганлигидан келиб чиқиб, диссертант томонидан қуйидаги таклифлар илгари сурилган:

1. Халқаро ҳужжатлар, хорижий давлатлар қонунчилиги, қатор олимларнинг фикрлари таҳлили асосида коррупциявий жиноятлар учун самарали жазо турларидан бири мусодара эканлиги ҳақидаги хулосага келинган. Ушбу жазо турининг жиноят қонунчилигида бўлишининг ўзи ҳам коррупциявий жиноятлар содир этишдан тийувчи омил ҳисобланади. Бугунги кунда кўпчилик давлатларнинг қонунчилигида мусодара асосий жазони кучайтирувчи қўшимча чора сифатида белгиланган (Австрия, Голландия, Франция, Украина, Қозоғистон, Япония)¹⁹.

2. Айрим хорижий давлатлар тажрибаси ва илмий тадқиқотларни ўрганиш асосида коррупцияга оид жиноятлар содир этганлик учун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий жазо тариқасида тайинланганда бир йилдан ўн йилгача муддатга, қўшимча жазо тариқасида тайинланганда бир йилдан етти йилгача муддатга тайинланиши кераклиги асослантилган. Хусусан, қўшимча жазо сифатида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси муддатининг узайтирилиши потенциал жиноятчилар учун муҳим профилактик ва превентив таъсирга эга бўлиш билан бирга, коррупциявий жиноятларни содир этган шахсларнинг илгариги жинояти билан боғлиқ

¹⁶ <https://anticorruption.uz/uzc/item/2022/03/10/agentlikning-2021-jildagi-faoliyati-natizhalariga-bagishlangan-matbuot-anzhumani-bolib-otdi>

¹⁷ <https://t.me/uzbprokuratura/36463>

¹⁸ <https://lex.uz/docs/5495529>

¹⁹ Смайлова С.Ю. Конфискация имущества в современном уголовном законодательстве зарубежных стран. Вестник ЮУрГУ, № 40, 2009. С. 62

лавозимларни эгаллаши имкониятларини камайтиради. Албания (35-модда)²⁰, Аргентина (20-модда)²¹, Венгрия (57-модда)²², Қозоғистон (50-модда)²³ жиноят қонунларида бундай турдаги жазонинг ўн йилгача муддатга тайинланиши белгиланган. Норвегия жиноят қонунининг 58-бўлимида²⁴ ушбу жазо турини номуйян муддатга тайинлаши мумкин.

3. БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясининг 26-моддаси, айрим хорижий давлатларнинг тажрибалари, хорижий ва миллий олимларнинг фикрларини ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам юридик шахсларнинг жиноий ва маъмурий жавобгарлигини жорий этиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинган. Деярли барча Европа мамлакатларида юридик шахслар жисмоний шахслар билан тенг равишда маъмурий ва жиноят-ҳуқуқий муносабатлар субъекти бўлиши мумкинлиги назарда тутилган²⁵.

4. Коррупциявий ҳуқуқбузарликларга тизимли қарши курашишда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бунга йўл қўйган шахсларга таъсирчан жавобгарликни белгилан муҳим аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқиб, Жиноят кодексига алоҳида “Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш” учун 205¹-моддани киритиш асосланган. Унда давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот мансабдор шахси томонидан давлат харидлари, солиқ имтиёзлари, ер муносабатлари ва бошқа расмий имтиёз берувчи соҳаларда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш орқали муайян шахсларга афзалликлар бериш учун жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Коррупциявий жиноятчиликнинг сабаблари, унга имкон берган шарт-шароитлар ва жиноятчи шахсининг криминологик тавсифи”** деб номланиб, ушбу турдаги жиноятчиликнинг сабаблари, унга имкон берган шарт-шароитлар тадқиқ қилинган, коррупционер шахсининг ўзига хос криминологик жиҳатлари очиқ берилган.

Диссертант коррупциявий жиноятчиликнинг сабаблари – қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар учун хавfli бўлган, коррупциявий жиноятчиликни келтириб чиқарувчи ва унинг табиатини белгилаб берувчи ижтимоий-салбий ҳодисалар ва жараёнлар эканлиги ва коррупциявий қилмишлар кишиларнинг хатти-ҳаракатлари шаклида намоён бўлганлиги учун ҳам унинг сабаблари ижтимоий-психологик хусусиятга эга эканлигини исботлаган.

Тадқиқот жараёнида анкета сўрови ўтказиш орқали “паст иш ҳақи” (57%), “аҳоли ҳуқуқий маданиятининг пастлиги (25%), “коррупция фактлари учун жавобгарликнинг етарли эмаслиги” (25%), “суд тизимининг мукамал

²⁰ <https://track.unodc.org/uploads/documents/BRI-legal-resources/Albania/27 - Albania Criminal Code 1995 am2017 en.pdf>

²¹ <https://observatoriolegislativocele.com/en/Criminal-Code-of-the-Argentine-Republic-Law-11179/>

²² <https://www.refworld.org/legal/legislation/natlegbod/2012/en/78046>

²³ <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000226>

²⁴ https://www.unodc.org/uploads/icsant/documents/Legislation/Norway/The_Penal_Code_-_Lovdata.pdf

²⁵ Банчук О.А. Аналитический доклад «Право об административных правонарушениях: опыт стран Западной и Восточной Европы, требования Европейского Суда по Правам Человека и стандарты Совета Европы», <https://lprc.kz/wp-content/uploads/2020/05/Analiticheskij-doklad-%C2%ABPravo-ob-administrativnyh-pravonarusheniyah-opyt-stran-Zapadnoj-i-Vostochnoj-Evropy%C2%BB.pdf>

эмаслиги” (21%), фуқаролик жамиятининг ривожланмаганлиги (18%) коррупциянинг асосий сабаблари эканлиги аниқланган.

Тадқиқотчи жамият аъзолари ҳуқуқий маданиятининг пастлиги коррупция даражасининг ошишига олиб келади, деган хулосага келган.

Ижро ҳокимияти органлари ходимларини ижтимоий-моддий ҳимоя қилишнинг паст даражадалиги, юклатилган жавобгарлик даражасининг уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатига мувофиқ келмаслиги, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона принциплари мавжуд эмаслиги малакали кадрларнинг давлат хизматидан чиқиб кетиши коррупциявий ҳуқуқбузарликка шароит яратиши асослантирилган. Фуқаролик жамияти институтлари томонидан мансабдор шахслар фаолияти устидан тегишли назоратнинг мавжуд эмаслиги ёки пастлиги коррупциянинг яна бир сабабларидан эканлиги кўрсатилган.

Давлатларнинг очиклиги ва коррупциялашганлиги бўйича халқаро рейтинг ва индексларнинг таҳлиliga таяниб, қайси мамлакат очиклик бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлса, унда коррупция даражаси паст, аксинча очиклик бўйича кўрсаткичи паст мамлакатда коррупция даражаси юқори бўлади, деган фикр илгари сурилган.

Диссертант коррупция ва бюрократия ўзаро боғлиқ ижтимоий-маъмурий ходиса ҳисобланиши, иррационал бюрократик тартиб-таомиллар коррупциянинг асосий сабабларидан бири эканлигини асослантирган.

Тадқиқотда қонунчиликдаги қарама-қаршиликлар, бўшлиқлар, қонун ҳужжатларига ҳаволалар қайсидир маънода коррупция ва коррупциялашган шахс фаолиятига қулайлик яратувчи омиллардан эканлигига эътибор қаратилган. Хусусан, Адлия вазирлиги маълумотларига кўра вазирлик томонидан 2023 йилда 2 379 та қонунчилик ҳужжати лойиҳаси коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиб, шундан 359 та лойиҳада 571 та коррупциявий омил аниқланганлиги²⁶ кўрсатилган.

Давлат хизматчиси томонидан содир этилган коррупциявий жиноятларнинг ўзига хос сабаблари сифатида қуйидагилар кўрсатилган: масалаларни ҳал қилишни давлат хизматчисининг ихтиёрига ҳеч бир назоратсиз ташлаб қўйилганлиги; коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни оддий ҳолат деб қабул қиладиган ижтимоий-руҳий муҳитнинг мавжудлиги; давлат хизматчисида моддий манфаат олиш учун қонун ва ахлоқ нормаларини, касб, ор-номусни қурбон қиладиган очкўзлик, ғаразгўйлик, ҳасадгўйлик каби ғайриижтимоий ҳусусиятларнинг мавжудлиги; давлат хизматчиси фаолияти устидан ижтимоий назоратнинг йўқлиги ёки етарли даражада эмаслиги.

Муаллиф давлат хизматчилари ўзининг мақоми ва у орқали орттирган обрў-эътибордан бошқа давлат ва нодавлат идоралар фаолиятига қонунда унинг вазифалари ва бурчларида назарда тутилмаган ҳолда аралашиб; қарорлар қабул қилишда жисмоний ва юридик шахсларга қонунга зид равишда афзалликлар бериш; давлат функцияларини бажаришда унга маълум

²⁶ Adliya vazirligining 2023 yildagi hisoboti [URL-https://back.minjust.uz/media/document/d432166a-8ae4-4744-ad4a-36e530445037/vazirlik_hisoboti-2023y.pdf]

бўлган ва расман тарқатилмаган ахборотлардан шахсий ва гуруҳий манфаатлар йўлида фойдаланиш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилиши назарда тутилган маълумотларни асоссиз равишда бермаслик, кечиктириб бериш ёки тўла ҳажмда бермаслик сингари ҳолатларни коррупциявий жиноятларга имкон берувчи асосий шарт-шароитлар деган фикрни илгари сурган.

Шунингдек, пора олувчилар тадқиқ қилинганида коррупционерларнинг 74 % га яқини олий, тугалланмаган олий ёки ўрта махсус маълумотга эга эканлиги аниқланган. Республикамизда коррупциявий жиноятлар содир этган шахслар таркибида аёллар сони эркакларга нисбатан анча камлиги, яъни 2021 йилда иши судга юборилган коррупциявий жиноятлар содир этган 4511 фуқаронинг 332 тасини (7,4 %) аёллар ташкил этган бўлса, 2022 йилда шундай жиноятлар содир этган 5466 фуқаронинг 296 таси (5,4 %), 2023 йилда эса 6053 шахснинг 254 таси (4,2 %) аёллар бўлган.

Коррупционер шахсида жинойий хулқининг шаклланиши ва рўёбга чиқишида шахсий омиллари сифатида талаблари, манфаатлари, қизиқишларининг йўналишлари, ижтимоий қарашлари ва шахс руҳий тузилиши элементларининг ижтимоий йўналишлари ҳам таъсир кўрсатиши асослантирилган.

Диссертацияда коррупционерлар айрим ҳолларда ижтимоий хавфли қилмишларни ҳаётда юқори мавқеини эгаллаш, мансаб ваколатларига эга бўлиш учун содир этиши, бундай шахслар атрофдагилар орасида доимий обрўга эга бўлиш учун ҳаракат қилиши, ҳамма вақт одамлар эътиборида бўлишни исташи ҳақида хулоса қилинган.

Коррупционер қонунга итоаткор фуқаролардан қадрият-меъёрий тизимларга нисбатан салбий муносабатда эканлиги билан фарқланади. Бу уларнинг жиноят содир этишдаги омиллардан бири ахлоқий-руҳий хусусиятларида намоён бўлади. Бироқ, шахснинг ахлоқий-руҳий хусусиятлари шаклланишига ижтимоий муносабатлар таъсир қилишини асослантирилган. Шу боис, коррупционер шахсини ўрганишда жиноятчи шахсини ўрганишга оид умумий одатий ёндошувлар билан бирга уни ижтимоий ва юридик – психологик жиҳатдан ўрганишга кўпроқ эътибор бериш зарурлиги исботланган.

Коррупция жиноятини содир этган шахслар нафақат давлат ваколатлари ва профессионал билимларга, шу билан бирга, муайян жинойий тажрибага ҳам эга бўлишади; улар ўзлари ташаббус кўрсатиб, ўзларини сотиб олаётган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб у ёки бу ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни бажариши мумкин. Коррупционерларни ушлашнинг қийинчиликларидан бири эса, уларни ўзлари ҳам, уларни сотиб олаётган шахсларга ҳам жинойий жавобгарлик белгиланганлиги ва жиноят содир этилишидан ҳар икки томоннинг манфаатдор эканлигидир.

Диссертациянинг учинчи боби **“Коррупциявий жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари”** деб номланиб, коррупциявий жиноятчиликни олдини олишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг аҳамияти, уни янада такомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий чора-тадбирлар, коррупциявий

жиноятчиликни олдини олишнинг ижтимоий ва ташкилий чора-тадбирлари ва коррупцияга қарши курашишда халқаро ҳамкорлик ва айрим хорижий давлатлар (Скандинавия давлатлари, Сингапур, Гонконг, Япония, АҚШ, Буюк Британия) тажрибасига бағишланган.

Диссертант ушбу бобдаги масалаларни ўрганишда Д.Кресси, Р. Клитгард, Г. Брукс, М. Костенников, А. Куракин, В. Семенов, В. Ерешкин ва С. Данилюкнинг превентив чораларни қабул қилиш (коррупциявий жиноятларнинг профилактикасида дастлаб коррупцияга сабаб бўлувчи омилларни бартараф қилиш); Д.Бакли, С. Келинан, Ю. Волковнинг даромадлар легализацияси (давлат хизматчиларининг даромадларини кузатиш ва назорат қилиш механизмларини ишлаб чиқиш); халқаро ҳамкорлик С-Р.Аккерман, П.Эйген, М. Жонстон, Б.Роштейн, А. Репецкая (коррупциявий жиноятларнинг трансчегаравий характерга эга эканлиги сабабли хорижий давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ўзаро ҳамкорлиги); К.Страк, Т. Хабриева, А. Смагулов, А. Кузнецов, В. Михайлов²⁷лар технологик инновациялар (блокчейн ва сунъий интеллектлардан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши курашишга қаратилган шаффоф, хавфсиз ҳисоб ва назоратни олиб борувчи тизимларни яратиш) ҳақидаги фикрларини ўрганиб, миллий қонунчилигимиз хусусиятларини инобатга олиб, ушбу масалаларга нисбатан ўзининг мустақил ёндашувини ишлаб чиққан. Коррупцияга қарши курашишда конституциявий, халқаро-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий ва бошқа комплекс ҳуқуқий воситалар қўлланганда коррупциянинг криминалогик таърифи, унинг олтита асосий сабаб ва шарт-шароитлари муваффақиятга эришилиши асослантирилган.

Ишда коррупцияга қарши курашда муваффақиятга эришган Скандинавия давлатлари, Сингапур, Гонконг, Япония, АҚШ, Буюк Британиянинг коррупцияга қарши сиёсати, фаолиятининг муҳим жиҳатлари ўрганиш натижасида, ушбу мамлакатларда коррупция ҳуқумат томонидан миллий хавфсизлик масаласи, ички ва ташқи хавфсизликка таҳдид солувчи омил сифатида баҳоланаётганлигини инобатга олган ҳолда тадқиқотчи коррупцияни олдини олиш комплекс ва превентив ёндашувни талаб қилишини, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар профилактикасида умумижтимоий чораларнинг аҳамиятига жиддий эътибор берилиши мақсадга мувофиқлигини асослаган.

Давлат бошқарув аппаратининг ҳаддан ташқари катталиги, давлат ташкилотларининг кўплиги, асоссиз равишда ўзаро такрорланувчи давлат функцияларининг мавжудлиги коррупцияни озиқлантирадиган омиллардандир. Шу боис маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш, ихчам, мобил, замонавий билимлар ва технологиялар билан таъминланган давлат бошқаруви тизимини барпо этиш айтиш пайтда коррупцияга қарши муҳим вазифа эканлиги исботланган.

²⁷ Ушбу олимларнинг асарлари диссертацияда келтирилган.

Республикамизда барча турдаги давлат хизматчилари учун амал қиладиган қонун даражасидаги Одоб-ахлоқ кодексини қабул қилиш зарурияти асослантирилган. Ўз навбатида, кодекс ишлаб кетишини таъминлаш учун унинг қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик ҳам назарда тутилиши керак. Бу эса меҳнат интизомининг бузилиши ҳолатлари учун жавобгарликни турлича қўллашнинг олдини олишга хизмат қилиши кўрсатиб берилган.

Охирги бенефициар мулкдорлар тўғрисидаги маълумотларнинг жамоатчиликка очик бўлиши потенциал коррупция ҳолатларининг олдини олишда аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқиб, республикамизда “Охирги бенефициар мулкдорлар ягона давлат реестри тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш муҳим превентив таъсирга эга бўлиши ҳақидаги фикр исботланган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг 2010 йили қабул қилинган “Лоббилашда шаффофлик ва ҳалолликни таъминлашнинг 10 та тамойиллари”²⁸ни ва айрим хорижий давлатлар илғор тажрибасини инобатга олиб, лоббилашнинг қонуний асосларини яратиш, ушбу амалиётнинг ҳуқуқий тавсифи ва чегараларини белгилаш, унинг коррупциявий ҳолатлардан фарқли жиҳатларни аниқ кўрсатган ҳолда унинг норматив-ҳуқуқий асосини яратиш зарурлиги ҳақидаги таклиф ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи Президент Фармони билан давлат хизматчиларига республика ҳудудидан ташқарида ҳисобрақамлар очиш ва эгалик қилиш, нақд пул маблағларини сақлаш, кўчмас ва бошқа мол-мулкка эга бўлиш тақиқланганлиги ҳақидаги қоида ни реализация қилиш учун “Давлат хизматчиларининг республика ҳудудидан ташқарида ҳисобрақамлар очиш ва эгалик қилиш, нақд пул маблағларини сақлаш, кўчмас ва бошқа мол-мулкка эга бўлиш тақиқлаш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш зарурлигини асослантирган. Унда давлат хизматчилари республика ҳудудидан ташқарида эга бўлиши мумкин бўлмаган мол-мулкнинг аниқ рўйхатини; мазкур соҳада ваколатли давлат органларининг ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини; халқаро ҳамкорлик масалалар бўйича ваколатлар ва вазифалар; белгиланган чекловга амал қилмаган давлат хизматчиларига нисбатан белгиланадиган жазо чоралари ва бошқалар белгиланиши зарурлиги кўрсатилган.

Ижтимоий муносабатларда ҳадя воситаси (ёки баҳонаси)да коррупциявий қилмишлар, жумладан пора берилишининг олдини олиш мақсадида Фуқаролик кодексига махсус “505¹-модда. Ҳадяни тақиқлаш”ни киритиш таклифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг тўлиқлиги ва аниқлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган шахслар рўйхатининг турлича тушунишни истисно этадиган тарзда баён этилиши ва бу тақиқни бузган шахсларнинг жавобгарлиги бўйича таклифлар берган. Хусусан, қонун ҳужжатлари талабларига зид равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш ўрнига халқаро қонунчилик ва

²⁸ <https://www.oecd-ilibrary.org/sites/8b6ec100-en/index.html?itemId=/content/component/8b6ec100-en>

амалиётда мавжуд бўлган ноқонуний бойлик орттирганлик учун жиноий жавобгарликнинг жорий этилиши жиноятни квалификация қилишда нотўғри амалиёт шаклланишининг олдини олишга хизмат қилиш асосланган.

Коррупциявий жиноят содир этганларнинг жавобгарликдан четда қолмаслигига эришиш ва кишиларда жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тўғрисида муносабатни ва коррупцияга қарши умумий қоралаш муҳитини қарор топтириш коррупцияга қарши курашиш стратегиясининг асосини ташкил этиши зарурлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган. Коррупцияга қарши курашишда бу тоифадаги жиноятларнинг латентлик даражасини пасайтиришга эришиш кераклиги илгари сурилган. Бунинг учун, куйидагиларни амалга ошириш таклиф этилган: ходимларнинг малакаси ва маънавиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириш; ходимларни ишга қабул қилишнинг қатъий тизими (номзодларнинг юқори ахлоқий талабларга жавоб бериши); ишга киришдан олдин қасамаёд қабул қилиш; ходимларни доимий ротация қилиб бориш; даврий равишда ходимларнинг вазифаларини ўзгартириб туриш; ташқи алоқалар билан шуғулланадиган ходимларнинг алоҳида хоналарга жойлаштирмаслик; биноларнинг кириш-чиқиш жойларига қайд этиш электрон мосламалари, видеокамераларнинг ўрнатилиши ва ҳ.к.; функцияларнинг тақсимланиши; мураккаб вазифалар ва қарорлар қабул қилиш жараёнининг қисмларга бўлиниши: ваколатларнинг бир шахс қўлида тўпланишига йўл қўймаслик.

Ўтказилган анкета сўровига кўра, республикада коррупция даражасини респондентларнинг 68 % юқори, 30 % ўрта ва фақат 9 % паст эканлигини билдиришган. Диссертант фикрига кўра, фуқароларда бундай фикрнинг шаклланишига нафақат содир этилаётган коррупцияга оид жиноятлар, балки фуқароларнинг ўзларига тааллуқли ахборотдан ва давлат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ва улар ҳақидаги муҳим маълумотлардан ўз вақтида хабардор эмаслигидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадқиқотчи коррупцияга қарши курашда очиклик институти имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги, унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари маълумотлари очиклиги презумпциясини жорий этиш, унга мувофиқ, қонунчилик ҳужжатлари билан чекланмаган ҳар қандай маълумотни очик маълумот, деб ҳисоблаш кераклигини асослаган.

Муаллиф коррупцияга қарши курашишда шахсни коррупцияга қарши жиноят-ҳуқуқий тақиқни бузмаслик руҳида тарбиялаш; шахсда коррупцияга қарши профилактик фаолликни тарбиялаш; аҳолининг криминал виктимлик даражасини тушириш тўғрисида хабардор қилиш; ҳуқуқ-тартибот идораларига ишончни шакллантириш, мустаҳкамлаш; жиноят-ҳуқуқий тақиқларни бузишнинг салбий оқибатлари тўғрисида хабардор қилиш; коррупцияга қарши курашнинг ижобий натижаларини намойиш қилиш каби чораларни қўллаш таклиф этган.

Диссертант коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари давлат ҳимоясида бўлишини таъминлаш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабардор қилган шахсларни рағбатлантириш тизимнинг самардорлигини ошириш мақсадида коррупция ҳақида хабар берган шахсларнинг анонимлигини таъминлаган ҳолда уларга берилган маблағлар суммаси ҳақида ОАВ ва ижтимоий тармоқларда маълумот беришнинг муҳимлигини ўрганиб, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиққан.

Коррупциоген нормаларни қонунчиликдан чиқариш нафақат коррупцияга қарши курашишда, балки жиноятлар латентлигининг олдини олишда ҳам муҳим аҳамиятга эга, деган фикр илгари сурилган. Ўзбекистон қонунчилиги коррупциоген нормалар нуқтаи назаридан таҳлил қилинган ва бир қатор қонунларда бундай нормалар мавжудлиги аниқланган. Шунга кўра, қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича ишларни изчил, режали тарзда давом эттириш зарурлиги асослантирилган, нафақат қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш зарур, балки норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмаган ҳужжатларни ҳам коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш лозимлиги ҳақида хулосага келинган.

Бундан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати томонидан ҳокимликларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмаган қарорларини, вазирлик ва идораларнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмаган буйруқ ва қарорларини эса ўзларининг юридик хизматлари томонидан мажбурий равишда коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш амалиётини жорий этиш таклифи билдирилган.

